

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ
КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И**

№ 4-1-1401-1701/377-2020

2020 йил август ойининг 28 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси М.Тухтаев, ҳайъат судьялари Б.Жумабаев ва И.Хамидовлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ж.Мелибоевнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори Э.Султанов, судланган Х.Ахмедовнинг ҳимоячиси-адвокат С.Ҳасановларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2017 йил 12 апрелдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 2-қисми “б” банди ва 273-моддаси 5-қисми билан судланган

Ахмедов Хайрулло Нурмахматович (Axmedov Xayrullo Nurmaxmatovich), 1958 йил 4 март куни Самарқанд вилояти, Ургут туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оилалик, 6 нафар фарзандлари бор, ишсиз, мукаддам судланмаган, Ургут туман Бекрават маҳалласида яшаган, иш бўйича “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланган Х.Ахмедов ва унинг ҳимоячиси-адвокат С.Ҳасановлар томонидан келтирилган кассация шикоятини асосида жиноят ишини кассация тартибда кўриб чиқиб, қуйидагиларни;

А Н И Қ Л А Д И:

Х.Ахмедовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 2-қисми “б” банди билан 3 йил, ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибда тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил қатъий ўташ учун 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Тайинланган жазони умумий тартибли колонияларда ўташлик белгиланган.

Суднинг мазкур ҳукми билан Г.Бабарахимов, А.Хурсандов ва Т.Рахматовалар ҳам судланган бўлиб, уларнинг қисми шикоят ёки протест келтирилмаганлиги сабабли муҳокама қилинмади.

Суднинг ҳукмига кўра, судланган Х.Ахмедов 2016 йил март ойининг ўрталарида турмуш ўртоғи Рахматова Тожихол Тошпулатовна билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, ўзининг уйини олдида жойлашган томарқасининг ер майдониға тақиқланган экин, яъни таркибда гиёҳвандлик воситаси бўлган икки тупдан иборат “каннабис” гиёҳвандлик ўсимлигини келгусида сотиш мақсадини кўзлаб, қонунга хилоф равишда экиб, остки қисмига ишлов бериб, парваришлаб келишган.

Бундан ташқари, судланган Х.Ахмедов, жиноий ҳаракатларини давом эттириб, кўп миқдорда гиёҳвандлик моддаларини сотиб моддий бойлик орттириш мақсадида, турмуш ўртоғи Т.Рахматова билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, икки тубдан иборат таркибда гиёҳвандлик моддаси бўлган “каннабис” гиёҳвандлик ўсимлигини пишиб етилган ҳосилдан, тахминан 917 грамм кўп миқдордаги “марихуана” гиёҳвандлик воситасини 2016 йил август ойида йиғиштириб олишиб, ўзларининг ҳовлисида жойлашган ўтин саклаш хонасида қонунга хилоф равишда сақлаб келишиб, уни қуриштириб олишиб, тахминан 80 грамм кўп миқдордаги “марихуана” гиёҳвандлик воситасини 2016 йил ноябрь ойининг бошларида яшаш уйида таниши Хурсандов Араб Адашевичга 1.600.000 сўмга қонунга хилоф равишда сотишиб, қолган қисмини ўзининг яшаш уйида сақлаб келиб, шундан тахминан 94 грамм кўп миқдордаги “марихуана” гиёҳвандлик воситасини 2016 йил 26 декабрь куни соат 18:00 ларда яшаш уйида судланган А.Хурсандовга 250 АҚШ доллари ва 200.000 сўмга қонунга хилоф равишда сотишиб, сотувдан қолган 743 грамм кўп миқдордаги “марихуана” гиёҳвандлик воситасини келгусида сотиш мақсадида ўзларининг яшаш уйида ноқонуний равишда сақлаб келганлиги 2017 йил 16 январь куни Самарқанд вилоят ИИБ ЖК ва УЖҚҚБ ходимлари томонидан унинг яшаш уйи ва ёрдамчи хўжалик хоналарида ўтказилган тинтув жараёнида аниқланиб, ушбу 743 грамм кўп миқдордаги “марихуана” гиёҳвандлик воситаси ашёвий далил сифатида хужжатлаштириб олинган.

Судланган Х.Ахмедов ва унинг ҳимоячиси-адвокат С.Ҳасановлар кассация шикоятида, судланган Х.Ахмедовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 12 октябрдаги “Амнистия тўғрисида”ги қарорини қўллаб, тайинланган жазони енгиллатишни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси И.Хамидовнинг маърузасини, прокурор Э.Султановнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, кассация шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги ҳулосасини, судланган Х.Ахмедовнинг ҳимоячиси-адвокат С.Ҳасановнинг кассация шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, кассация шикоятидаги келтирилган важларни жиноят иши хужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, кассация шикоятини қаноатлантирмасдан, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Судланган Х.Ахмедовнинг суд ҳукмида баён қилинган айби, ўзининг иқдорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, судланган А.Хурсандов, Т.Рахматова, гувоҳ Р.Саидкулов, А.Бутаевларнинг кўрсатувлари,



ашёвий далилни олиш ва шахсий тинтув ўтказиш баённомаси, судга оид кимёвий ҳамда наркология экспертиза хулосалари, судланган Х.Ахмедовнинг уйида ўтказилган тинтув ва ашёвий далилни олиш баённомаси, тушунтириш хатлари, сўроқ ва юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида мавжуд бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган.

Биринчи инстанция суди томонидан Х.Ахмедовнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 2-қисми “б” банди ва 273-моддаси 5-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Шикоятдаги, судланган Х.Ахмедовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 12 октябрдаги “Амнистия тўғрисида”ги қарорини қўллаб, тайинланган жазони енгиллатиш ҳақидаги вазлари асоссиздир.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 16-сонли Қарорининг 2-бандида, амнистия акти маъмурий ва жиноят қонуни нормаларидан фарқ қилиб, амал қилиш даврида содир этилган қилмишга нисбатан эмас, балки кучга киргунга қадар содир этилган қилмишга нисбатан қўлланилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳужжатларига кўра, судланган Х.Ахмедов турмуш ўртоғи Т.Рахматова билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, 2016 йил март ойининг ўрталарида икки тубдан иборат таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган “каннабис” гиёҳвандлик ўсимлигини экиб, парваришлаб, пишиб етилган ҳосилидан, тахминан 917 грамм кўп миқдордаги “марихуана” гиёҳвандлик воситасини 2016 йил август ойида йиғиштириб олишиб, ўзларининг ховлисида жойлашган ўтин саклаш хонасида қонунга хилоф равишда сақлаб келишиб, тахминан 80 грамм кўп миқдордаги “марихуана” гиёҳвандлик воситасини 2016 йил ноябрь ойининг бошларида яшаш уйида таниши судланган А.Хурсандовга 1.600.000 сўмга қонунга хилоф равишда сотишиб, қолган қисмини ўзининг яшаш уйида сақлаб келиб, шундан тахминан 94 грамм кўп миқдордаги “марихуана” гиёҳвандлик воситасини 2016 йил 26 декабрь куни соат 18:00 ларда яшаш уйида судланган А.Хурсандовга 250 АҚШ доллари ва 200.000 сўмга қонунга хилоф равишда сотишан, сотувдан қолган 743 грамм кўп миқдордаги “марихуана” гиёҳвандлик воситасини келгусида сотиш мақсадида ўзларининг яшаш уйида ноқонуний равишда сақлаб келганлиги 2017 йил 16 январь куни Самарқанд вилоят ИИБ ЖК ва УЖҚҚБ ходимлари томонидан унинг яшаш уйи ва ёрдамчи хўжалик хоналарида ўтказилган тинтув жараёнида аниқланиб, ушбу 743 грамм кўп миқдордаги “марихуана” гиёҳвандлик воситаси ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштириб олинган.

Биринчи босқич суди, судланган Х.Ахмедов томонидан “Амнистия тўғрисида”и қарори эълон қилинганидан кейин гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда сотиш жиноятини содир этганлигини инобатга олиб, уни тадбиқ этмасдан тўғри тўхтамга келган.

Бундан ташқари, биринчи инстанция суди, судланган Х.Ахмедовга жазо тури ва меъёрини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3-февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги;

26-бандида эса, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга қўлланилиши ҳақида берилган тушунтиришларга риоя қилган ҳолда, унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган жинояти ижтимоий хавфлилик даражаси бўйича ўта оғир жиноятлар туркумига мансублигини, гиёҳвандлик воситаларини тури ва миқдорини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроғини тайинлаб қонуний, асосли ва адолатли тўхтамга келган.

Юқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати шикоятда келтирилган вазлар суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўлаолмаслиги сабабли, суд ҳукмини ўзгаришсиз, келтирилган кассация шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 490, 496, 506¹, 509-моддаларини қўллаб, кассация инстанцияси судлов ҳайъати,-

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2017 йил 12 апрелдаги ҳукмининг Ахмедов Хайрулло Нурмахматович (Axmedov Hayrullo Nurmaxmatovich)га оид қисми ўзгаришсиз, судланган Х.Ахмедов ва унинг ҳимоячиси-адвокат С.Ҳасановлар томонидан келтирилган кассация тартибидаги шикояти қаноатлантиришсиз қолдирилсин.

Раислик қилувчи: (имзо) М.Тухтаев

Ҳайъат судьялари: (имзо) Б.Жумабаев

(имзо) И.Ҳамидов

Аслига тўғри:

